

## Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (Факторинг) тўғрисида

### ■ - сон ШАРТНОМА

Шартнома тузилган жой

Шартнома тузилган сана

“Гарант банк” акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда “**Молиявий агент**” деб аталади ■ (Асос бўлган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари) асосида иш юритувчи ■ БХО бошқарувчиси ■ (Ф.И.Ш.) бир томондан ва кейинги ўринларда “**Кредитор**” деб номланувчи ■ МЧЖ (Кредиторнинг номи) номидан ■ (Асос бўлган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари) асосида иш юритувчи ■ (Ф.И.Ш) иккинчи томондан ҳамда ■ (Дебитор номи) номидан ■ (Асос бўлган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари) асосида иш юритувчи ■ (Ф.И.Ш), кейинчалик “**Дебитор**” деб номланувчи, биргаликда “Томонлар”, алоҳида эса, “Томон” деб аталадилар, қуйидагилар ҳақида ушбу Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисидаги шартномани туздилар.

#### 1. Атамалар ва таърифлар

**Молиявий агент мукофоти (Мукофот)** – Кредитордан ушлаб қолинаниган ва Молиявий агентга Дисконт кўринишида тўланадиган пул суммаси.

**Тўлов санаси** – Дебитор томонидан Молиявий агентга тақдим этилган пул талабномаси бўйича тўлов мажбурияти бажариладиган сана.

**Кредитор (Таъминотчи)** – дебиторлик қарздан (тўлов муддати келмаган пул ўтказмасидан) воз кечиш эвазига факторинг шартномаси асосида молиялаштирилдиган товар/махсулотларнинг етказиб берувчиси ва хўжалик юритувчи субъект.

**Пул талабномаси (қарз суммаси)** – Кредитор томонидан етказиб берилган товар учун Қарздор томонидан тўланиши лозим бўлган, Ўзбекистон Республикасининг валютасида ифодаланган ва бирламчи ҳужжатларда тасдиқланган тўлов мажбурияти. Пул талаби миқдори Реестрда кўрсатилади.

**Дисконт** – Молиявий агентга тўланадиган ҳақ, у мазкур Шартнома ҳамда банк ҳужжатларида белгиланган тартиб, миқдор ва шартлар асосида аниқланади.

**Ариза** – Кредитор томонидан Молиявий агент орқали Банкка молиялаштириш олиш учун тақдим этиладиган расмий мурожаат (шунингдек, Электрон тизим орқали ҳам юборилиши мумкин).

**Реестр** – Дебитор, Кредитор, Молиявий агент ва Молиявий агент фойдасига воз кечилган Пул талабномаларининг тавсифлари (идентификацияси) акс эттирилади ҳамда бир вақтнинг ўзида Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечилганининг юридик расмийлаштируви ҳамда Дебитор ва Кредиторга Пул талабномасидан Молиявий агент фойдасига воз кечилгани тўғрисидаги хабарнома ҳисобланади.

**Дебитор (тўловчи)** – Кредитор билан тузилган Шартнома асосида етказиб берилдиган товар/махсулотлардан фойдаланадиган ва Шартнома бўйича Банк олдидаги қарздорликни тўлайдиган юридик шахс.

**Шартнома (товар етказиб бериш шартномаси)** – Дебитор ва Кредитор ўртасида тузиладиган товарни олди-сотди шартномаси.

**Кутиш даври** – Шартномада белгиланган тўловни кечиктириш муддати тугаганидан кейин вақт даври бўлиб, унинг давомида Дебитор унга тақдим этилган Пул талабномасини тўлаш имкониятига эга бўлади.

**Бирламчи ҳужжатлар** – бошқа шахс фойдасига воз кечилган Пул талабномасининг ҳақиқийлигини тасдиқлаш имконини берадиган ҳужжатлар.

**Шартнома бўйича тўловни кечиктириш муддати** – Шартномада кўрсатилган, Дебиторнинг Пул талабномасини тўлаш учун бериладиган энг кўп кечиктириш муддати.

**Пул талабномасида воз кечиш суммаси** – Пул талабномасининг тўлиқ миқдори ёки унинг тегишли қисми.

**Кредитор ҳисобига ўтказиладиган молиялаштириш суммаси** – Молиявий агент томонидан Кредитор фойдасига амалга ошириладиган тўлов бўлиб, унинг миқдори тақдим этилган Пул талабномаси суммаси билан Дисконт ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

**Тарифлар** – Молиявий агент томонидан тасдиқланадиган ва Молиявий агентга тўланадиган ҳақ миқдорини белгилайдиган ҳужжатлар.

**Молиялаштириш шартлари** – томонлар ўртасидаги молиявий муносабатларни белгилайдиган, ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган ҳужжат. Мазкур ҳужжатнинг намунавий шакли ушбу Шартномага 3-иловада келтирилган.

**Факторинг (Факторинг хизматлари)** – қуйидаги операциялар:

- а) Молиявий агент ушбу Шартномада назарда тутилган тартиб ва шартларга мувофиқ Кредитордан пул талабномасини қабул қилиш эвазига молиялаштириш тақдим этади;
- б) Кредитор, Дебитор билан келишган ҳолда, молиялаштиришни олиш учун, товар етказиб бериш асосида шакллантирилган пул талабномасини Молиявий агентга тақдим этади.
- в) Дебитор пул талабномаси бўйича тўловни бевосита Молиявий агентга амалга ошириши шарт.

**Молиялаштириш** – Молиявий агент томонидан Кредиторнинг Дебиторга нисбатан воз кечилган пул талабномалари ҳисобидан Кредиторга пул маблағларининг тақдим этилиши. Молиялаштириш ушбу Шартнома шартларига мувофиқ амалга оширилади.

**Молиявий агент (Факторинг агенти)** – Кредиторнинг Дебиторга нисбатан пул талабномасини сотиб оладиган ва молиялаштиришни амалга оширадиган, мижозларига факторинг хизматларини кўрсатадиган “Гарант банк” АЖнинг ҳудудий филиаллари.

## **2. Шартнома предмети**

**2.1.** Ушбу Шартномага мувофиқ, Кредитор ўзининг Дебиторга нисбатан талабларидан Молиявий агент фойдасига воз кечади, Молиявий агент эса ушбу талабномаларни топшириш эвазига Кредиторга молиялаштириш тақдим этади.

**2.2.** Ушбу Шартнома қуйидагиларни тартибга солади:

- Кредиторнинг Дебиторга нисбатан пул талабномалари реестрини Молиявий агентга топширишни;
- Ушбу пул талабномаларини тақдим этиш эвазига Молиявий агент томонидан Кредиторга молиялаштиришни амалга ошириш;
- Молиявий агент хизматлари учун ҳақ тўлаш (Мукофот);



**6.1.** Молиявий агентга факторинг хизматлари учун тўланадиган ҳақ Банк ҳужжатларида белгиланган тартибда, миқдорда ва шартларда белгиланади ҳамда Молиялаштириш шартларига киритилади.

**6.2.** Ҳақ тўловини ҳисоблаш учун асос сифатида Молиявий агентга тақдим этилган пул талабномаси миқдори қабул қилинади.

**6.3.** Тегишли сумма Молиявий агент томонидан Кредитор ҳисобига ўтказиладиган Молиялаштириш суммасидан, ҳақ тўлови сифатида, ушлаб қолинади.

## **7. Дебиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **7.1. Дебиторнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:**

**7.1.1.** Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тақдим этилган пул талабномаси бўйича тўлов мажбуриятларини тўғри ва тўлиқ ҳажмда бажариш.

**7.1.2.** Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини аниқ ва қатъий равишда бажаришни таъминлаш.

**7.1.3.** Молиявий агент талаби бўйича Дебитор ва Кредитор ўртасидаги тижорат муносабатлари ҳолатини мониторинг қилиш имконини берувчи барча мавжуд маълумот ва ҳужжатларни Молиявий агентга тақдим этиш.

**7.1.4.** Молиявий агентнинг тегишли талаби бўйича 3 (уч) иш куни ичида бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботлар нусхалари ва шунга ўхшаш ҳужжатларни тақдим этиш.

**7.1.5.** Ҳақиқий пул талабномаларини қуйидаги шартларга мувофиқ тақдим этиш:

- Дебитор ва Кредитор томонидан тақдим этилган пул талабномаси мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжатлар имзоланган бўлиши шарт;
- Кредиторнинг Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармагани ёки лозим даражада бажармагани тўғрисида Дебитор томонидан даъво ёки норозилик чиқарилишига оид ҳеч қандай низо ва келишмовчиликлар мавжуд бўлмаслиги шарт;
- Дебитор томонидан товарнинг қайтарилиши, Кредиторга нисбатан зид даъволар кўриб чиқилиши ёки пул талабномаси суммасини бошқа қонуний асосларда камайтириш ҳолатлари мавжуд бўлмаслиги, шунингдек етказиб бериш вақтида бундай камайтириш учун асослар мавжуд бўлмаслиги шарт;
- Пул талабномалари учинчи шахслар ҳуқуқлари, гаров, низо ва/ёки мусодара объекти бўлмаслиги лозим.

**7.1.6.** Пул талабномаларига оид барча ҳужжатларни Молиявий агентга тақдим этиши шарт ва бунда пул талабномаси тўлов санасигача муддати ўтган бўлмаслиги лозим. Агар Дебитор томонидан имзоланган ҳужжатлар суммаси тақдим этилган пул талабномаси суммасидан кам бўлса, бундай ҳужжатлар тақдим этилмаган деб ҳисобланади.

**7.1.7.** Дебитор Молиявий агент олдидаги Шартнома бўйича мажбуриятларини аниқ ва қатъий бажарилишини таъминлаши шарт.

**7.1.8.** Молиявий агентнинг ёзма розилигисиз Шартнома шартларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритмаслиги лозим. Ушбу бандда белгиланган мажбуриятлар Дебитор томонидан бажарилмаган тақдирда, Молиявий агент ушбу Шартномани бекор қилиш ва Дебитордан молиялаштириш суммасини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**7.1.9.** Дебитор қуйидаги маълумотларни Молиявий агентга ёзма шаклда, улар ҳақида маълум бўлган кундан кейинги иш кунидан кечикмай, дарҳол тақдим этиши шарт:

- тўловга лаёқатсизлик билан боғлиқ салбий ҳолатлар ёки тақдим этилган пул талабномасини тўламасликка олиб келган ҳолатлар;
- тақдим этилган пул талабномаси ёки унинг таъминоти бўйича учинчи шахс ҳуқуқи амалга кирган ҳолатлар;
- ушбу Шартнома мазмунига ёки ундаги мажбуриятларни бажариш имкониятига таъсир этувчи ҳар қандай юридик ва/ёки иқтисодий ўзгаришлар, ҳатто улар фақат айрим мажбуриятларга тааллуқли бўлса ҳам.

Ушбу маълумотлар Дебитор томонидан Молиявий агентга ёзма равишда, улар ҳақида маълум бўлган кундан кейинги иш кунидан кечикмай, дарҳол тақдим этилиши лозим.

**7.1.10.** Агар тақдим этилган пул талабномалари бўйича Молиявий агент ва Кредитор ўртасида Молиявий агент ҳуқуқларини амалга оширишга оид низо юзага келса, Дебитор Молиявий агентдан тегишли талабнома олинган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида Молиявий агентга барча мавжуд ҳужжатларни тақдим этиши ва низо мазмунига оид барча маълумотларни беришга мажбур. Дебитор тақдим этилган пул талабномаларини амалга ошириш юзасидан Молиявий агентга барча зарур тушунтиришларни бериши шарт. Дебитор ва Кредитор ўртасида алмашилган барча ҳужжатлар нусхалари бундай ҳужжатлар юборилган ёки қабул қилинган кундан бошлаб 3 (уч) иш куни ичида Молиявий агентга тақдим этилиши лозим.

**7.1.11.** Молиявий агент талаби бўйича Ҳисобот даври тугаганидан кейинги 3 (уч) иш куни давомида бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда бошқа молиявий ҳисобот нусхаларини тақдим этиш.

**7.1.12.** Молиявий агент ҳақ тўловини амалга ошириш.

**7.1.13.** Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган талабномаларни бошқа шахсга ўтказмаслик ва гаровга қўймаслик.

## **7.2. Дебитор қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

**7.2.1.** Ушбу Шартнома шартларига мувофиқ факторинг хизмати тартиби ва шартлари ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумот олиш.

**7.2.2.** Ушбу Шартнома амал қилиш муддати давомида исталган вақтда молиялаштириш миқдорини камайтиришни сўраб Молиявий агентга мурожаат қилиш.

**7.2.3.** Молиявий агент иштирокисиз шартномалар тузиш.

## **8. Кредиторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **8.1. Кредитор мажбуриятлари:**

**8.1.1.** Фақатгина ҳақиқий Пул талабларини ўтказишга мажбур бўлади, уларни ўтказиш вақтида:

- Кредитор ва Дебитор томонидан Пул талабини тасдиқлайдиган Бирламчи ҳужжатлар имзоланган бўлиши;
- Дебитор билан Кредиторнинг мажбуриятларни бажармагани ёки лозим даражада бажармагани сабабли юзага келган даъво ва/ёки келишмовчиликлар мавжуд бўлмаслиги;
- Товар қайтарилмаган бўлиши, Дебитор томонидан қарзларни ўзаро ҳисоб-китоб қилиш ёки талаб суммасини камайтириш учун асослар мавжуд бўлмаслиги;
- Учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари, гаров, тортишув ёки ҳибслар мавжуд бўлмаслиги.

**8.1.2.** Реестр тузилган вақтда, Пул талаблари бўйича Қарзни тўлаш муддати келмаган ҳолда, Молиявий агентга Бирламчи ҳужжатлар ва бошқа тегишли ҳужжатларни топшириш. Агар берилган ҳужжатлар суммаси ён берилган Пул талаби суммасидан кам бўлса, бу ҳужжатлар берилмаган деб ҳисобланади.

**8.1.3.** Агар Дебитор Пул талабини Кредитор ҳисобварағига тўласа, Кредитор маблағни 2 (икки) иш куни ичида Молиявий агент ҳисобварағига ўтказиши шарт. Бундай ҳолатда, Дебитор ўз мажбуриятини бажарган ҳисобланмайди. Агар Кредитор белгиланган муддатда маблағни ўтказмаса, Молиявий агент ҳар кунлик кечиктирилган сумма учун 0,4% миқдорда пеня талаб қилишга ҳақли.

**8.1.4.** Дебитор олдидаги мажбуриятларни аниқ ва тўлиқ бажариш.

**8.1.5.** Молиявий агентнинг ёзма розилигисиз шартнома шартларига ўзгартиш киритмаслик. Агар Кредитор бу талабни бузса, Молиявий агент шартномани бекор қилиш ва молиялаштириш суммасини қайтаришни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

**8.1.6.** Дарҳол (кейинги иш кунидан кечиктирмасдан) ёзма равишда Молиявий агентни қуйидаги ҳолатлар ҳақида хабардор қилиш:

Дебиторнинг тўлов қобилияти ёмонлашиши ёки қарзни тўламаслик хавфи;

Дебитор пул мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ инкор этиши;

Устувор ҳуқуқ ёки учинчи шахс ҳуқуқлари юзага келиши;

Кредиторнинг таъминотчиларидан бири берилган ваколатларни қайтариши ёки ўзгартириши;

Кредиторнинг ҳуқуқий ва иқтисодий ҳолатига оид ўзгаришлар.

Хабар аввал телефон орқали оғзаки берилади, кейинги иш кунида ёзма равишда тақдим этилади.

**8.1.7.** Агар Молиявий агент ва Дебитор ўртасида низо юзага келса, Кредитор 3 иш куни ичида барча ҳужжатларни ва маълумотларни тақдим қилиши керак. Шунингдек, Дебитор билан алмашилган барча ҳужжатлар нусхаси ҳам 3 иш кунида агентга юборилиши шарт.

**8.1.8.** Молиявий агент талаб қилган жарима ва бошқа тўловларни биринчи навбатда тўлаш.

**8.1.9.** Молиявий агент талаб қилганда бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботларни 3 иш кунида тақдим қилиш.

**8.1.10.** Молиявий агент ҳаққини тўлаш.

**8.1.11.** Ушбу Шартномадан келиб чиқадиган талабларни ўтказмаслик ёки гаровга қўймаслик.

**8.1.12.** Шартномадан келиб чиқадиган Пул талабларини гаровга қўймаслик.

**8.1.13.** Дебитор билан биргаликда Молиявий агент олдида масъулиятни зиммасига олиш.

## **8.2. Кредитор ҳуқуқлари:**

**8.2.1.** Ушбу шартнома асосида факторинг хизматлари тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумот олиш.

**8.2.2.** Шартнома амал қилиш даврида Молиявий агентдан Дебитор билан муносабатлари ҳақида ахборот олиш ва зарур ҳужжатларни талаб қилиш.

**8.2.3.** Шартнома давомида исталган вақтда Молиявий агентдан молиялаштириш лимитини ошириш ёки камайтиришни сўраш.

## **9. Молиявий агентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

### **9.1. Молиявий агент қуйидаги мажбуриятларни бажариши шарт:**

**9.1.1.** Ушбу Шартномада кўрсатилган тартиб, миқдор ва шартларга мувофиқ Кредиторга молиялаштириш тақдим этиш.

**9.1.2.** Дебитордан пул талабномаси бўйича тўловни талаб қилиш ва тақдим этилган пул талабномалари юзасидан бошқа қонуний чораларни кўриш.

**9.1.3.** Молиялаштириш тўхтатилгани ҳақида Дебиторга дарҳол хабар бериш.

### **9.2. Молиявий агент қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

**9.2.1.** Молиялаштириш шартларини, улардаги ўзгаришларни ва ушбу ўзгаришларнинг амалга кириш санасини мустақил белгилаш.

**9.2.2.** Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳар қандай чораларни қўллаш ҳамда Молиявий агент тўловни олиш учун мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳолда Дебитор билан битимлар тузиш.

**9.2.3.** Кредитор билан келишган ҳолда Дебитордан пул талабномаси билан боғлиқ бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш.

**9.2.4.** Агар Дебитор ушбу Шартнома шартларини бажармаса ва/ёки лозим даражада бажармаса, Молиявий агентга тегишли суммаларни ўз вақтида ўтказмаса, ушбу суммани Дебиторнинг мавжуд ёки келгусидаги барча ҳисоб рақамларидан акцептсиз ечиб олиш. Дебитор ушбу Шартномани имзолаш орқали мазкур шартга рози эканлигини тасдиқлайди.

**9.2.5.** Агар Дебитор ушбу Шартнома шартларини бажармаса ва/ёки лозим даражада бажармаса, Молиявий агентга тегишли суммаларни ўз вақтида ўтказмаса, ушбу суммани регресс ҳуқуқи асосида Кредиторнинг мавжуд ёки келгусидаги барча ҳисоб рақамларидан акцептсиз ечиб олиш. Кредитор ушбу Шартномани имзолаш орқали мазкур шартга рози эканлигини тасдиқлайди.

**9.2.6.** Қуйидаги ҳолатларда молиялаштиришни бир тарафлама тартибда тўхтатиш ва молиялаштиришни амалга оширмаслик ҳуқуқига эга:

- Дебитор ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганда;
- Дебитор томонидан тақдим этилган маълумот ва/ёки ҳужжатлар нотўғри бўлса ҳамда Дебитор янги ишончли маълумот тақдим этмаса;
- молиявий агент Дебиторнинг мажбуриятлари бажарилмаслиги ёки пул талабномаси ҳақиқий эмаслиги ёки ҳақиқий эмас бўлиши мумкинлигини кўрсатувчи ҳолатларни аниқласа;
- қарздорда мажбуриятлар бўйича муддати ўтган қарз мавжуд бўлса;
- пул талабномасини тўлаш муддати ўтган бўлса.

**9.2.7.** Дебитордан баланс ҳисоботлари, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботлар ҳамда бошқа молиявий ҳисоботлар нусхаларини талаб қилиш.

## **10. Дебиторнинг жавобгарлиги**

**10.1.** Дебитор ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тақдим этилган барча пул талабномаларининг ҳаққонийлиги, уларни тақдим этиш мумкинлиги ва улар бўйича эътирозлар мавжуд эмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

**10.2.** Агар Дебитор томонидан Молиявий агентга тасдиқланган пул талабномаси ҳақиқий эмас деб топилса ёки унга оид тузилган Шартнома ҳақиқий эмас/тузилмаган деб тан олинса ва унга битимнинг ҳақиқий эмаслиги оқибатлари қўлланилса, Дебитор молиялаштириш суммаси ва Молиявий агентга тўланадиган ҳақни Молиявий агентга 5 (беш) иш куни ичида тўлаб бериши шарт. Дебитор ушбу банд бўйича ўз мажбуриятларини бажармаса ёки лозим даражада бажармаса, Молиявий агент ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган сумманинг 0,05 фоизи миқдорида пеня талаб қилиш ҳуқуқига эга, бироқ умумий пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

**10.3.** Агар Дебитор томонидан Кредиторнинг Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги, жумладан етказиб берилган товар сифати бўйича ёзма эътирозлар билдирилишига оид низо ва келишмовчиликлар юзага келса, Кредитор Дебитор эътироз билдирган пул талабномалари суммасига тенг

миқдордаги маблағни Дебитор эътироз билдирган пайтдан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида Молиявий агентга ўтказиши шарт.

**10.4.** Агар тақдим этилган пул талабномаси гаров билан ёки учинчи шахслар ҳуқуқлари билан таъминлангани ёки мол-мулкка тақиқ қўйилгани аниқланса, Дебитор Молиявий агентнинг тегишли талабномасини олганидан кейин 2 (икки) банк иш куни ичида пул талабномаси суммасини Молиявий агентга тўлаши шарт.

**10.5.** Дебитор Молиявий агентни ушбу бўлимда баён этилган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, унга тегишли бўлган ҳар қандай суммадан бундай миқдорларни ушлаб қолиш ҳуқуқи билан ваколатлантиради.

**10.6.** Ушбу Шартнома бўйича пул талабномаларини тақдим этиш Молиявий агентга Кредиторга нисбатан регресс ҳуқуқини беради.

**10.7.** Агар Дебитор ушбу Шартнома шартларига мувофиқ тақдим этилган пул талабномаси суммасини белгиланган тартиб ва миқдорда тўламаса ёки тўловни нотўғри амалга оширса, Молиявий агент ҳар бир кечиккан кун учун тўлов кечикиш суммасининг 0,05% миқдорда пеня талаб қилиш ҳуқуқига эга, бироқ умумий пеня миқдори кечиккан тўлов суммасининг 50%идан ошмаслиги керак.

## **11. Махфийлик**

**11.1.** Ушбу Шартнома ва унга оид барча маълумотлар ҳар бир Томон учун махфий ахборот ҳисобланади.

**11.2.** Махфий ахборот деб Томонларнинг молиявий ёки тижорат ҳолатига оид маълумотлар, шунингдек, Томонлар томонидан бевосита махфий деб эълон қилинган маълумотлар тушунилади. Томонлар ушбу махфий ахборотни ошкор этмаслик ва Шартнома амал қилиш даврида ҳамда унинг тугатилиши ёки бекор қилиниши ҳолатларида ҳам бир-бирининг манфаатларига зарар етказиш мақсадида фойдаланмаслик мажбуриятини оладилар.

**11.3.** Агар махфий ахборот ошкор этилса, Томонлар бир-бирларига етказилган зарарни, жумладан олинмай қолган фойдани қоплашга мажбурдирлар.

**11.4.** Агар ушбу Шартномани бажариш жараёнида бир Томон иккинчи Томондан тижорат сирлари ёки янги ечимлар ва техник билимларга оид маълумотларни, шу жумладан қонун билан ҳимоя қилинмаган маълумотларни олса, у мазкур маълумотни иккинчи Томоннинг розилигисиз учинчи шахсларга ошкор қилиш ҳуқуқига эга эмас.

## **12. Форс-мажор**

**12.1.** Томонлар ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлиги учун жавобгарликдан, агар бундай бажармаслик фавқулодда ва олдини олиб бўлмайдиган ҳолатлар (форс-мажор ҳолатлари) туфайли юзага келган бўлса, озод этилади. Бундай ҳолатларга сув тошқини, ёнғин, ер силкиниши, ҳарбий ҳаракатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган бошқа сабаблар киради.

**12.2.** 11.1-бандда кўрсатилган ҳолатлар юзага келган тақдирда, Томонлар бу ҳақда бошқа Томонни 3 (уч) иш кунидан кечикмай ёзма шаклда хабардор этиши шарт. Хабарномада мазкур ҳолатларнинг хусусияти, ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришга таъсирини баҳолаш кўрсатилиши ва тегишли ваколатли давлат ташкилоти томонидан тасдиқланиши лозим.

## **13. Шартноманинг амал қилиш муддати, суммаси ва уни бекор қилиш тартиби**

**13.1.** Ушбу Шартнома имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради.

**13.2.** Шартнома муддати — ( ) ой.

**13.3.** Ушбу Шартнома Томонларнинг келишуви асосида бекор қилиниши мумкин.

**13.4.** Ҳар бир Томон ушбу Шартномани бажаришдан бир тарафлама бош тортиш ҳуқуқига эга, бунда бошқа Томонни ёзма равишда камида 5 (беш) банк иш куни олдин хабардор этиши шарт. Бирок, агар Шартномани бажаришдан бош тортиш вақтида Томонлардан бири тақдим этган Пул талабномалари тўлиқ ҳажмда тўланмаган бўлса, ушбу Шартнома мазкур талабномалар тўлиқ тўлангунига қадар уларга нисбатан амал қилишда давом этади.

#### **14. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

**14.1.** Ушбу Шартномани ўзгартириш, уни бекор қилиш, шунингдек уни бажармаслик ёки тегишли даражада бажармаслик билан боғлиқ томонлар ўртасидаги низолар музокаралар йўли билан ҳал этилади. Агар кўрсатилган келишмовчиликлар ва низолар ўзаро музокаралар орқали ҳал этилмаса, низолар шартнома тузилган жойдаги судда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида кўриб чиқилади.

#### **15. Томонларнинг баёнот ва кафолатлари**

**15.1.** Томонлар қуйидагиларни баён қиладилар ва кафолатлайдилар:

- Ушбу Шартномани тузиш учун зарур бўлган барча корпоратив рухсатномалар, рухсат/келишувлар/битимлар тегишли рухсат бериш ва келишиш тартиб-таомиллари ҳамда ваколатли органларнинг устав ваколатлари доирасида олинган;
- Ташкилотлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ва қонунчиликка мувофиқ тижорат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга;
- Томонлар солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган, уларнинг молиявий аҳволи барқарор ва ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларни муносиб даражада бажариш учун етарли активларга эга;
- Томонлар тугатиш жараёнида эмас ва ушбу Шартномани тузишга тўсқинлик қилувчи жиноят ёки маъмурий ишда иштирокчи ҳисобланмайди;
- Ушбу Шартномани муносиб даражада бажаришга тўсқинлик қилувчи ҳеч қандай тақиқлар, гаровлар, чекловлар ёки учинчи шахсларнинг ҳуқуқлари мавжуд эмас;
- Ушбу Шартнома таъсис ҳужжатларига мувофиқ уни имзолашга ваколатли шахслар томонидан имзоланган ва ваколат йўқлиги сабабли ушбу Шартномани ҳақиқий эмас деб топиш учун асослар мавжуд эмас;
- Ушбу Шартнома сохта (фирибгарлик йўли билан тузилган) Шартнома эмас ва унинг шартлари ҳақиқий иқтисодий мазмунга мос келади.

**15.2.** Томонлар, шартнома асосида (томонлардан бири талаби бўйича), бир-бирларига давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ушбу Шартномани имзолаш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар, лицензиялар, сертификатлар ва бошқа рухсатнома ҳужжатларини тақдим этиш ҳуқуқига эгадирлар.

#### **16. Коррупцияга қарши шартлар**

**16.1.** Мазкур шартлар Тарафлар, уларнинг аффилиланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очик ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупциявий фаолиятга аралashi хатарларини минималлаштиришга, шунингдек Тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

**16.2.** Тарафлар мазкур шартларга риоя қилиш ҳамда мазкур Шартнома бўйича ҳаракат қилувчи ўз аффилиланган шахслари ва ишчилари томонидан риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек мазкур шартларнинг амалда бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда бир бирига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

**16.3.** Тарафлар мазкур Шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек ўз аффилиланган шахслари ва ишчилари ушбу ҳаракатларни

бевосита ёки билвосита амалга оширмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади:

- мансабдор шахслар, мансабдор шахсларнинг қариндошлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўрсатилган шахслар, ёхуд давлатга бирон тарзда алоқадор шахсларга Тарафлар, мазкур Шартнома бўйича ҳаракат қилувчи уларнинг аффилиланган шахслари ва ишчилари учун ноқонуний равишда устунликларга эга бўлиш мақсадида пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.;

- рағбалантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқланмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа Тараф ишчиларига, унинг аффилиланган шахсларига пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга хилоф ва ғайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

**16.4.** Агар Тарафда коррупциявий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақида гумонлари пайдо бўлса, тегишли Тараф бошқа Тарафни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади ва тегишли ҳуқуқбузарлик содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги ҳақида бошқа Тарафнинг тасдиқномасини олгунга қадар Шартнома бўйича ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб туришга ҳақли. Тасдиқнома ёзма хабарнома олинган санадан 10 (ўн) банк иш куни давомида юборилиши лозим.

**16.5.** Бир Тараф коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ва/ёки бошқа Тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида ўрнатилган муддатда тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа Тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида Шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан Тараф, Шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## **17. САНКЦИОН ҚАЛТИСЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ ШАРТЛАРИ**

**17.1.** Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар ҳар бири ўз фаолиятида халқаро иқтисодий ва молиявий санкциялар тўғрисидаги қонунчиликка риоя қилишга қаратилган сиёсат ва тартиб-таомилларга амал қилиши ва уларни қўллаб-қувватлашини тан олади ҳамда тасдиқлайди.

**17.2.** Банк, Дебитор ва Кредиторга оид зарур бўлган ҳар қандай маълумот ёки ҳужжатларни (қорхона ҳақидаги маълумотлар, тўлиқ реквизитлари, аффилиланган шахсларининг рўйхати, акциядорлар/таъсисчилар таркиби, ижроия органи, мансабдор шахслари, ходимлари, маҳсулот ҳақида маълумот, товарга илова қилинган ҳужжатлар, маҳсулот спецификацияси, ташувчи ҳақидаги маълумот ва бошқа зарур маълумотлар) талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу маълумотлар уларнинг санкция рўйхатига киритилгани ёки киритилмаганини аниқлаш мақсадида сўралади. Агар Дебитор зарур бўлган барча ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса, Банк факторинг хизматини кўрсатишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

**17.3.** Агар Дебитор ёки унинг операцияси санкциялар таъсирига тушса ёки бундай хавф мавжуд бўлса, Банк операцияни ўрганиш мақсадида қўшимча маълумот сўраш, операция суммасини чеклаш ёки факторинг хизматини кўрсатишдан бош тортиш ҳуқуқига эга.

**17.4.** Агар Дебиторнинг контрагентига (ёки унга хизмат кўрсатаётган банкка) санкциявий режимга оид қандайдир чекловлар қўлланилса, Дебитор уларга риоя этиш чораларини кўриш мажбуриятини олади (ҳуқуқ ва мажбуриятларини санкциявий чекловлар қўлланилмаган бошқа тарафга ўтказди, агар Дебиторнинг контрагентга хизмат кўрсатаётган банкка санкциялар қўлланилса, контрагент мажбурий тарзда ўз хизмат кўрсатувчи банкинг санкция чекловлари қўлланилмайдиган банкка алмаштириши керак ва х.к.). Агар Дебитор ушбу талабларни бажармаса, Банк Кредиторга факторинг маблағларини ажратишдан бир томонлама тартибда бош тортиш ҳуқуқига эга.

**17.5.** Агар Дебиторнинг фаолияти халқаро санкциялар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ келмаса ёки Банк Дебиторнинг ташқи савдо операцияларини амалга оширишдан бош тортса, Банк 5 (беш) иш куни ичида Дебиторнинг почта манзилига қоидалар бузилганини тасдиқловчи далиллар/материаллар илова қилинган ёзма хабарнома юборади.

**17.6.** Банк факторинги хизматидан фойдаланишда Дебитор, унинг контрагенти, контрагентга хизмат кўрсатаётган банк, уларнинг аффилиланган шахслари, акциядорлари ёки таъсисчилари, контрагентнинг ижроия органи, уларнинг мансабдор шахслари ёки ходимлари, шунингдек олинган товар ва хизматлар санкциялар рўйхатларига киритилмаганини кафолатлайди.

## **18. Бошқа қоидалар**

**18.1.** Дебитор ва Кредитор ўртасидаги Шартноманинг бекор қилиниши Томонларни ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўғри бажариш ва жавобгарликдан озод қилмайди.

**18.2.** Ушбу Шартномада назарда тутилган Томонларнинг хабарномалари, билдиришномалари ва бошқа ҳужжатлари ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Ахборот тизими орқали ёки почта, электрон почта манзиллари орқали, Томонларнинг реквизитларига мувофиқ ёки ваколатли ходимларига топшириш йўли билан етказилади.

**18.3.** Молиявий агент ушбу Шартномага мувофиқ тақдим этилган пул талабномаларини учинчи шахсларга ўтказиш ҳуқуқига эга.

**18.4.** Ушбу Шартномага киритилмайдиган барча қўшимчалар ва ўзгартишлар ёзма шаклда расмийлаштирилади ва Томонлар томонидан имзоланади.

**18.5.** Агар ушбу Шартноманинг бир ёки бир нечта қоидаси (шарти) қонун ёки суд қарорига мувофиқ ҳақиқий эмас деб топилса, бу ҳолат бошқа қоидалар (шартлар)нинг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўла олмайди.

**18.6.** Ушбу Шартнома матнида тилга олинган барча Иловалар (1, 2, 3, 3.1.-сонли иловалар) унинг ажралмас қисмларидан ҳисобланади.

**18.7.** Томонлар бир-бирининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар.

**18.8.** Ушбу Шартномада назарда тутилмаган барча ҳолатларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига амал қиладилар.

## **18. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ, ТЎЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ, ИМЗОЛАРИ.**

Молиявий Агент:

Манзил:

СТИР

ИФУТ

МФОдаги

Кредитор

Манзил:

СТИР

ИФУТ

МФОдаги

Дебитор

Манзил:

СТИР

ИФУТ

МФОдаги

х/р: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_

E-mail: \_\_\_\_\_

х/р: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_

E-mail: \_\_\_\_\_

х/р: \_\_\_\_\_

Телефон: \_\_\_\_\_

E-mail: \_\_\_\_\_

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (факторинг)  
тўғрисида 202[ ] йил « [ ] » [ ] даги [ ] -сон  
шартномага 1-илова

[ ] -сон

202[ ] й. « [ ] » [ ]

Молиявий агентнинг номи

Пул талабномасидан воз кечиш эвазига молиялаштириш бериш (факторинг) тўғрисида

**АРИЗА**

*Кредиторнинг номи, асос-ҳужжатнинг номи ва реквизитлари* асосида ҳаракат қилувчи *кредиторнинг ваколатли шахси лавозими, Ф.И.Ш. номидан*, ташкилотимизга пул талабномаларидан воз кечиш эвазига *Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш тўғрисида 202[ ] йил « [ ] » [ ] даги [ ] -сон шартнома бўйича [ ] сўм (суммаси рақамларда)* миқдорида молиялаштириш (факторинг) беришингизни сўраймиз.

[ ] МЧЖ раҳбари

\_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.

\_\_\_\_\_  
имзо вам муҳр

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (факторинг) тўғрисида 202[ ] йил « [ ] » [ ] даги [ ] -сон шартномага 2-илова

**РЕЕСТР №**

**Молиявий агент фойдасига воз кечилган пуллик талабларнинг  
—-СОИ РЕЕСТРИ  
(Молиявий агентга Дисконт тарзида ҳақ тўлаш шакли)**

Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (факторинг) тўғрисида 202[ ] йил « [ ] » [ ] даги [ ] -сон шартномага мувофиқ, Кредитор Молиявий агентга 202[ ] йил от « [ ] » [ ] даги [ ] -сон Контрактга мувофиқ Дебиторга пул талабномаларини ўтказди.

т/р	Тасдиқловчи ҳужжат			Тасдиқловчи ҳужжатга мувофиқ пул талабномаси суммаси (сўм)	Пул талабномаларидан воз кечиш суммаси	Кредитор ҳисобрақамига ўтказиладиган молиялаштириш суммаси	Контракт бўйича кечиктириш муддати (кун)	Кутиш даври	Қоплаш санаси Номи (тип)
	Номи (тип)	№	Сана						
Жами:									

Ушбу Реестрни имзолаш орқали Дебитор, мазкур Реестрда кўрсатилган Пул талабномаларининг Молиявий Агентга тўлиқ ҳажмда, шу жумладан барча турдаги неустойкалар ва Кредитор учун ушбу Пул талабномалари билан боғлиқ равишда юзага келадиган бошқа талаблар, хусусан, Дебитор томонидан тақдим этилган таъминот ҳуқуқи ҳамда топширилаётган Пул талабларига нисбатан барча эҳтимолий суғурта талаблари бўйича наф олувчининг ҳуқуқлари ўтказилганлиги ҳақида хабардор қилинганини тасдиқлайди.

Дебитор, ушбу Реестр имзоланган санадан бошлаб, мазкур Реестрда кўрсатилган Пул талабномаларини тўлаш учун пул маблағларини Молиявий агентнинг Реестрда кўрсатилган реквизитларига ўтказишини тасдиқлайди.

Ушбу Реестрни имзолаш орқали Дебитор, мазкур Реестрда кўрсатилган Пул талабномалари ҳақиқий эканини, тўланмаганлигини, учинчи шахсларга ўтказилмаганлигини ва уларга нисбатан учинчи шахслар томонидан низо ёки даъво мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Ушбу Реестрни имзолаш орқали Дебитор, ушбу Реестр имзоланган санада Дебиторда Кредитор билан тузилган Контракт асосида Кредиторга нисбатан берилиши ва ўзаро ҳисобга олиниши мумкин бўлган қарши талаблар мавжуд эмаслигини тасдиқлайди.

Ушбу Реестрни имзолаш орқали Дебитор, мазкур Реестрда кўрсатилган Пул талаблари Дебитор томонидан Молиявий агент фойдасига ҳеч қандай ўзаро ҳисобга олиш, ушлаб қолиш ёки чиқариб ташлашларсиз, тўлиқ ҳажмда тўланишини тасдиқлайди.

**Молиявий Агент:**

Манзил: [ ]

СТИР [ ]

ИФУТ [ ]

МФОдаги [ ]

х/р: [ ]

Телефон: [ ]

E-mail: [ ]

**Кредитор**

Манзил: [ ]

СТИР [ ]

ИФУТ [ ]

МФОдаги [ ]

х/р: [ ]

Телефон: [ ]

E-mail: [ ]

**Дебитор**

Манзил: [ ]

СТИР [ ]

ИФУТ [ ]

МФОдаги [ ]

х/р: [ ]

Телефон: [ ]

E-mail: [ ]

[ ]  
Шартнома тузилган жой

[ ]  
Шартнома тузилган сана

### [ ]-сон молиялаштириш шартлари

#### (Молиявий агентга Дисконт тарзида ҳақ тўлаш шакли)

“Гарант банк” акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда «Молиявий агент» деб аталади [ ] (Асос бўлган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари) асосида иш юритувчи [ ] БХО бошқарувчиси [ ] (Ф.И.Ш.) бир томондан ва кейинги ўринларда “Кредитор” деб номланувчи [ ] МЧЖ (Кредиторнинг номи) номидан [ ] (Асос бўлган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари) асосида иш юритувчи [ ] (Ф.И.Ш) иккинчи томондан ҳамда [ ] (Дебитор номи) номидан [ ] (Асос бўлган ҳужжатнинг номи ва реквизитлари) асосида иш юритувчи [ ] (Ф.И.Ш), кейинчалик «Дебитор» деб номланувчи, биргаликда “Томонлар”, алоҳида эса, “Томон” деб аталадилар, қуйидагилар ҳақида ушбу ушбу Молиялаштириш шартларини жадвалда кўрсатилган параметрларга мувофиқ туздилар.

Мазкур Молиялаштириш шартлари Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш (факторинг) тўғрисида 202[ ] йил « [ ] » [ ] даги [ ] -сон шартноманинг (кейинги ўринларда – Шартнома) ажралмас қисмидир.

Ушбу Шартларда кўрсатилган барча атамалар ва таърифлар, Шартномадаги атамалар ва таърифларга мос келади.

Молиявий агент, барча томонларни хабардор қилган ҳолда, молиялаштириш шартларини бир томонлама тартибда ўзгартириш ҳуқуқига эга. Кредитор томонидан молиялаштириш шартларини қабул қилиш, Ариза доирасида Реестр шакллантирилишидан олдин уларни имзолаш йўли билан амалга оширилади. Кредитор томонидан имзоланган молиялаштириш шартлари ушбу Шартноманинг ажралмас қисмига айланади.

#### Молиялаштириш параметрлари:

Дебитор	Номи [ ] СТИР [ ]
Кредиторни молиялаштириш лимити	Дебиторга белгиланган Лимит суммасидан ортиқ эмас
Молиялаштиришнинг энг юқори муддати	Факторинг карточкасидан
Молиялаштириш валютаси	Ўзбек сўми
Молиялаштириш суммаси	Пул талабномасидан воз кечиш суммаси - Дисконт
Тарифларга мувофиқ факторинг комиссияси	Дисконт

**████-сон молиялаштириш шартлари**  
*(Молиявий агентга Дисконт тарзида ҳақ тўлаш шакли)*

████-сон молиялаштириш шартлари (Молиявий агентга Дисконт тарзида ҳақ тўлаш шакли) га (Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечши (факторинг) тўғрисида 202████ йил «████» █████даги █████-сон шартномага)3-илова) 1-илова

**Тарифлар**

**(Дисконт, молиялаштириш суммасидан %)**

Дисконт:

Молиялаштириш суммаси	30 кунгача тўлиқ	31 кундан 60 кунгача тўлиқ	61 дан 90 кунгача тўлиқ
████ гача	████	████	████